


Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус
таълим вазирлиги



Тошкент Молия институти

Кредит – иқтисод факултети

«Қимматли қўғозлар» кафедраси

РЕФФЕРАТ

Мавзу: Дивиденд сиёсати, инвестициялар ва эмиссия

Бажарди: КБИ – 50 гуруҳ талабаси
Саидов Э.

Қабул қилди: Фозилчаев Ш.

Тошкент – 2015

Мавзу: Дивиденд сиёсати, инвестициялар ва эмиссия

1. Инвестициялар

2. Дивиденд сиёсати

- a) Фойдани реинвестициялаш
- b) Дивиденд тўловлари назариялари
- c) Дивиденд тўловларини белгиловчи омиллар

3. Эмиссия

Дивиденд сиёсати

- a) Фойдани реинвестициялаш
- b) Дивиденд туловлари назариялари
- c) Дивиденд туловларини белгиловчи омиллар

Фойдани реинвестициялаш

Хисобот давридаги фойда таксимланишининг соддалаштирилган схемасини куйидагича тасвирлаш мумкин: фойданинг бир қисми дивиденд шаклида туланса, қолган қисми корхона активларига реинвестиция қилинади. Фойданинг реинвестиция қилинган қисми корхона фаолиятини молиялашнинг ички манбаъи бўлиб хизмат қилади, шунинг учун дивиденд сиёсати корхона жалб қиладиган ташқи молиялаш ресурслари катталигини белгилаб беради.

Фойдани реинвестициялаш - уз фаолиятини кенгайтираётган корхонанини молиялашнинг нисбатан қулай ва арзонроқ усулидир. Айнан шу бу усулнинг кенг тарқалганини изохлайди. Жумладан англия олимларининг Лондон биржасида ҳисобга олинган 402 компания фаолиятини урганиш натижалари курсатишича, янги инвестиция лойиҳаларининг 91% и фойдани реинвестиция қилиш ҳисобига амалга оширилган.

Фойдани реинвестиция қилиш корхонага янги акцияларни эмиссия қилишдаги қушимча харажатлардан озод бўлишни таъминлайди. Бошқа муҳим ижобий томони – бу корхона фаолиятини назорат қилишнинг амалдаги тартибини сақлаб қолади, чунки бунда акционерлар сони узгармайди.

Назарий нуқтаи назарда дивиденд сиёсатини танлаш иккита муҳим асалани ҳал қилишни талаб қилади:

☐ ☐ Дивидендлар катталиги акционерларнинг ялпи фойдаси узгаришига таъсир қиладими?

☐ ☐ Агар жавоб ҳа бўлса, унинг оптимал катталиги қанча бўлиши керак?

Дивиденд туловлари назариялари

Дивиденд сиёсати назариясида иккита ёндашув мавжуд. Биринчисининг номи – **дивидендларнинг туланишини колдик принципи** назарияси. Бу назария тарафдорлари дивидендлар катталиги акционерлар ялпи бойлигига таъсир курсатмайди ва шунинг учун, аввал фойдани реинвестиция қилишнинг барча самарали имкониятларини таҳлил қилингандан сунггина дивиденд тақсимланиши лозим деб ҳисоблайдилар. Агар барча фойдани реинвестиция қилиш мақсадга мувофиқ деб топилса, дивидендлар умуман туланмайди, ва аксинча, агар корхонада маъқул инвестиция имкониятлари бўлмаса фойда асосан дивидендлар туланишига йўлланади.

Ушбу назария доирасида асосий илмий асосланмалар 1961 йилда Франко Модильяни ва Мертон Миллер томонида яратилган. Улар “мижоз эффекти” деган гоё мавжудлигини илгари сурдилар. Унга кура акциядорлар қандайдир одатдан ташқари дивидендлардан кура, тургун дивиденд сиёсатини маъқул курадилар. Бундан ташқари, Модильяни ва Миллер барча маъқул инвестиция лойиҳаларини молиялангандан кейинги акцияларнинг дисконтланган нархи ва колдик принципида олинган дивидендлар суммаси фойда тақсимлангуча бўлган акциялар нархига тенг бўлади деб, ҳисоблашади. Бошқача қилиб айтганда, туланган дивидендлар суммаси тахминан қушимча молиявий ресурсларни жалб этиш харажатларига тенг бўлади. Шу билан бир вақтда, Модильяни ва Миллер дивиденд сиёсатининг акционерлик капитали қийматига маълум таъсирини тан олишади, лекин буни бевосита дивидендлар катталиги билан эмас, балки информацион эффект билан изохлашади – дивидендлар, жумладан, уларнинг усиши ҳақидаги маълумот, акционерларни акциялар нархи усишига провакациялайди. Ушбу олимларнинг асосий ҳулосаси – дивиденд сиёсати керак эмас.

Модильяни ва Миллер назариясининг оппонентлари дивидендлар акционерларнинг ялпи бойлигига таъсир қилади деб ҳисоблайдилар.

Уларнинг ичидан энг ккузга курунгани М. Гордон булиб, унинг асосий гоёси – акционерлар рискни минималлаштириш принцигига кура келажакдаги дивидендлардан ва шу билан бирга келажакда акционерлар капитални узишидан ҳам кура доим хозиргисини афзал курадилар. Бундан ташкари, жорий дивиденд туловлари инвесторларнинг ушбу корхонага маблаг куйиш мақсадга мувофиқми – йукми деган ноаникликларни камайтиради. Бу билан уларни инвестицияланган капиталга камрок даромад даражаси ҳам кониктиради ва натижада акционерлик капиталининг бозор киймати усади. Аксинча, агар дивидендлар туланмаса, ноаниклик усади, акционерлар учун маъкул даромад нормаси ҳам ошади ва акционерлик капиталининг нархи камади. Модильяни ва Миллер назарияси шунингдек, баъзи бир бирламчи шартлари (соликлар, кушимча акциялар чиқариш харажатлари хисобга олинмаслиги) учун ҳам танкид килинади.

Умуман, айтиш мумкинки, иккинчи ёндашув бир кадар кенгрок таркалган. Шу билан бир вақтда дивидендлар сиёсатини ишлаб чиқишда кандайдир ягона, формаллаштирилган алгоритм йуклиги тан олинади. У формаллаштирилиши мураккаб булган куп омиллар билан жумладан, психологик омиллар билан аникланади. Шунинг учун хар бир корхона узининг субъектив сиёсатини, биринчи навбатда унга тегишли булган хусусиятларидан келиб чиқган холда танлаши лозим. Оптимал дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнида иккита инвариант масалани кайд этиш мумкин. Улар узаро боглик булиб, куйидагини таъминлашга йуналган:

- ☐ ☐ Акциядорларнинг ялпи бойлигини максималлаштириш
- ☐ ☐ Корхона фаолиятини етарлича молиялаш

Бу саволлар дивиденд сиёсатини ишлаб чиқишнинг барча этапларида: дивидендлар манбъаъ, уларни тулаш тартиби, дивиденд туловлари тури ва бошкалар - алохида кузда тутилиши лозим.

Дивиденд туловларини белгиловчи омиллар

Дивиденд сиёсати куйидаги омиллар билан аникланади:

- 1. Хукукий характердаги чегаралар*
- 2. Контракт характеридаги чегаралар*
- 3. Ликвидликнинг етишмаслиги ҳисобига чегаралар*
- 4. Ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилишидан келиб чиқадиган чегаралар*
- 5. Акциядорлар манфаатидан келиб чиқадиган чегаралар*
- 6. Реклама-молиявий характеридаги чегаралар*

Хукукий характердаги чегаралар

Корхонанинг узлик маблағлари учта асосий элементдан ташкил топади: акционерлик капитали, эмиссион даромад, тақсимланмаган фойда. Купчилик мамлакатларда конун буйича куйидаги икки схемадан бири қабул қилинган – дивидендлар тулашга еки факат фойда (жорий йил фойдаси ва аввалги йиллар тақсимланмаган фойдаси) ёки фойда ва эмиссион даромад.

Миллий конунчиликларда дивидендлар туланишининг бошқа чегаралари ҳам мавжуд. Жумладан, корхона тулов қобилиятига эга бўлмаса ёки банкрот деб эълон қилинган бўлса, пул қуринишида дивидендлар тулови, одатда, таъқиқланади. Факатгина акционерлар олган дивидендлар соликка тортилиши, туланиши кечиктирилган дивидендлар (тақсимланмаган фойда) соликка тортилмаслиги учун, баъзи корхоналар солиқ туламаслик учун дивидендлар ажратмайди.

Ушбу чегараларнинг киритилишига сабаб, кредиторлар ҳуқуқини ҳимоялаш ва корхонанинг уз капиталини “ёб” қуйишини олдини олишдир.

Контракт характиридаги чегаралар

Купгина мамлакатларда корхона узок муддатли ссуда олмокчи булганда, туланадиган дивидендлар микдори махсус контрактлар билан бошкарилади. Карзни узишни ташкил килиш махсадида, одатда, ё таксимланмаган фойда камайиши мумкин булмаган чегара ёки реинвестиция килинадиган фойданинг минимал фоизи бу контрактларда кайд этилади.

Ликвидликнинг этишмаслиги хисобига чегаралар

Дивидендлар факатгина корхонанинг хисоб ракамида пул воситалари ёки тезщ пулга айлантирилиши мумкин булган активлари мавжуд булган такдирдагина туланиши мумкин. Назарий жихатдан корхона дивиденд тулаш учун кредит олиши имконияти бор, лекин бу хар доим хам мумкин эмас ва бу кушимча харажатлар билан боглик. Шундай килиб корхона рентабеллик булгани билан, паст ликвидлик хисобига дивиденд туловларини амалга оширишга кодир булмаслиги мумкин.

Ишлаб чикаришнинг кенгайтирилишидан келиб чикадиган чегаралар

Купгина корхоналар, айникса, энди оёкка тураётган даврида тегишли узишни таъминловчи молиявий манбаъларга булган эхтиёжни кондириш имкониятини топиш муаммосига дуч келадилар. Кушимча молиявий ресурслар ишлаб чикариш кувватларини юкори суъратларда кенгайтираётган корхоналар учун хам, узиш темпи унча юкори булмаган корхоналарга хам моддий – техника базасини янгилаш учун зарурдир. Бу холларда купинчалик дивиденд туловларини камйтиришга харакат килинади.

Акциядорлар манфаатидан келиб чикадиган чегаралар

Юкорида кайд этилганидек, дивиденд сиёсати асосида молиявий бошқаришнинг муҳим принципи ётади: акциядорларнинг ялпи бойлигини максималлаштириш принципи. Унинг катталиги олинган дивидендлар ва акциялар курсининг усган катталиги билан аникланади. Шунинг учун корхона дирекцияси ва акциядорлар дивидендларнинг оптимал катталигини аниклашда дивиденд миқдори корхона кийматига қандай таъсир қилиши мумкинлигини эътиборга олишлари лозим. Корхона киймати жумладан акциялар кийматида уз аксини топади. Акциялар киймати эса уз навбатида жуда қўп омилларга боғлиқ: товар ва хизматлар бозорида корхона эгаллаган мавқе, туланаётган дивидендлар, уларнинг ўсиш темпи ва ҳоказо. Дивидендларнинг домий g темпида ўсиши ҳолида акциялар нархи Гордон формуласи орқали аниқланиши мумкин:

$$V_c = \frac{D_1}{R - g}$$

Булардан ташқари дивидендлар ва акциядорлар манфаатини боғлаб турувчи бошқа омиллар ҳам мавжуд:

☐ ☐ агар капитал бозорида юкорирок даромад берувчи бошқа инвестиция лойиҳалари мавжуд бўлса, корхона акциядорлари каттарок дивидендлар учун овоз бериши мумкин

☐ ☐ акциядорлар орасидан баъзилари солиқ туламаслик учун фойдани тула реинвестициялашни маъқул топишлари мумкин

☐ ☐ юкори дивидендлар тулаш режалаштирилиб, шу билан бир вақтда молиялаш учун янги акциялар эмиссияси кузда тутилса, акциядорлар янги акциядорлар пайдо бўлишини ҳозламасдан, дивидендлар миқдорини атақин қамайтиришлари мумкин.

Реклама-молиявий характеридаги чегаралар

Маълумотлар бозори мавжуд булган шароитда корхона дивиденд сиёсатини тахлилчилар, брокерлар, бошқарувчилар ва бошқалар диққат билан кузатиб борадилар. Дивиденд тулашдаги тухтаб қолишлар, ҳар қандай маъқул бўлмаган оғишлар дарҳол ушбу корхона акцияларининг бозор нархини тушуб кетишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун куп ҳолларда корхона бозор шароитини узгаришларига қарамасдан стабил дивиденд туловларини амалга оширишга мажбур бўлади.

Инвестициялар

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг шаклланиши иқтисодий ўсишининг бир қатор макроиқтисодий омилларини кескин даражада қучайтирилишини тақозо этади. Бу соҳада руй бераётган жараёнлар воқеаларнинг шиддатли алмашинуви билан изоҳланади. Мамлакатнинг иқтисодий ўсишини қўллаб-қувватлаш ва жадаллаштиришда ҳал қилувчи ролни ишлаб чиқариш инвестициялари ўйнаши керак.

Фақат инвестициялар базасидагина асосий капитални янгилаш ҳамда шу асосда ишлаб чиқариш харажатларини қамайтириш ва сифатини яхшилаш эвазига маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш мумкин. Бироқ бу ҳозирги юксак даражада интеграциялашган хужалик шароитида давлатнинг мувофиқлаштирувчи роли объектив равишда анча салмоқли бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан инвестиция соҳасига давлатнинг фаол аралашувига яқин йиллар мобайнидаги макроиқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида қарамон даркор.

Бу эса стратегик мақсад - иқтисодий ўсишни таъминлаш учун амалга оширилмоғи, бу рақобатбардошлик ва миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши мезонларига жавоб бериши лозим. Стратегик мақсадга эришиш макроиқтисодий режалаштириш асосида таъминланиши мумкинки,

инвестиция жараёнларини давлат йули билан макробошкариб туриш бундай режалаб туришнинг энг мухим бугинларидан бири булиб хисобланади.

Бозор муносабаталарига утишнинг Узбекистон томонидан танлаб олинган йули узига хос алохида хусусиятларга эга булиб, бунда хал килувчи ролни давлат уйнайди. Бундай узига хослик мамлакат Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чикилган иктисодий ислохотларни утказишнинг бешта тамойилида акс этгандир. Мана шу тамойиллардан бирида таъкидланишича, “... мураккаб утиш даврида давлатнинг узи бош ислохотчи булиши зарур. Давлат бутун халкнинг манфаатдорлигини кузлаб, ислохотлар жараёнининг ташаббускори булиши иктисодий тараккиётнинг етакчи йуналишларини белгилаши, иктисодиётда, ижтимоий сохада ва суверен давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий хаётида туб узгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чикиши ва изчил руёбга чикариши керак”¹.

Мамлакат халк хужалиги ривожланишининг хозирги боскичи иктисодий усиш йулига утиб олиш билан изохланади. Бундай усиш алохида инвестиция сиёсатини ишлаб чикиш ва амалга оширишни талаб этадики, у тараккий этган мамлакатлар тажрибасига, инвестиция ресурслари ва чет эл инвестицияларини жалб килиш сифатида маблаглардан фойдаланишнинг мавжуд имкониятларига таяниши лозим булади. Чет эл инвестицияларини жалб этмай туриб, хозирги замон талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқаришнинг ташкил этилишини таъминлаш мумкин эмас.

Узбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов худди шу масалага эътиборни қаратди” Бунинг учун уларни ривожлантиришнинг янги манбалари ҳам чет эл инвестицияларини кенг жалб килиш ҳисобига, ҳам ички манбалар, банк кредитлари ҳисобига доимо қашф этиб борилиши даркор”².

Инвестиция жараёнларини изга солиб туришнинг иктисодий асосларини яратиш, ишлаб чиқилган сиёсатни амалга оширишга имкон

тугдирувчи шарт-шароитни таъминлаш инвестиция сиёсатининг мухим вазибаларидан бири булиб, иктисодий усишга айнан шу йул билан эришиш мумкин.

Бозор иктисодиёти капитал мулкка мулжалланаётган инвестициялар хажми тегишли молия активларининг даромадлигига боглик булади. Даромад меъёри оркали эса ана шу активларнинг бахоси инвестицияларга булган талаб ва таклифга караб белгиланади. Давлат пул ва кредит сиёсати оркали инвестицияга булган талаб ва таклифнинг нисбати хамда унинг таркибий тузилишига таъсир курсатиши мумкин. Шундай экан, бу сиёсат турли молия активларидан олинadиган даромад хажмига хам катта таъсир этади. У инвестиция товарлари бозорида инвесторларнинг хатти-харакатининг бош йуналишини, шунга боглик холда инвестициялар таркибий тузилишини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси куп укладди иктисодий давлат булиб унда инвестициялар катта рол уйнайди. Инвестициялар буйича адабиётларни тахлил килганимизда Ушбу муаммога муалифлар хар хил ёндашади. Масалан: Серов В.Н. («Инвестиционнуй менеджмент» М., 2000) Инвестицион фаолиятни хар хил аспектларига эътибор берилган. Бу ерда инвестицион фаолият, инвестицион лойихалар, инвестицион жараённи тартибга солиш усулларига а купрок эътибор берган.

Найденков В.И. («Инвестиции» М., 2005) уз китобида инвестицияларга ва инвестицион фаолиятга, уни бахолаш усулларига, ва молиявий инвестицияларга купрок эътибор каратган.

Хориж иктисодчилардан Брейли Р., Майерс С., Бирман Г., Лившиц Влар инвестиция билан боглик масалаларни куриб утган.

Биз томондан тайёрланган маъруза матнида юкорида курсатилган олимларни илмий рисоаларидан ва илмий ишларидан фойдаланилган.

Эмиссия

1993 йил 2 сентябр 918-ХII-сонли «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида» 10-модда. Қимматли қоғозлар эмиссияси

Қимматли қоғозлар эмиссияси уларни дастлабки эгалар (инвесторлар) - юридик ва жисмоний шахсларга сотиш йўли билан қимматли қоғозларни муомалага чиқаришдир.

Эмиссия:

- акциядорлик жамияти таъсис этилиб, акциялар унинг муассасалари ўртасида тарқатилган тақдирда;
- акциядорлик жамиятининг дастлабки устав сармояси (фонди) миқдори акциялар чиқариш йўли кўпайтирилган тақдирда;
- юридик шахслар, давлат томонидан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан заём сармояси облигациялар ва бошқа қарз мажбуриятлари чиқариш йўли билан жалб этилган тақдирда корхоналарнинг қарз мажбуриятлари ўзаро умумреспублика кўламида тўланган тақдирда амалга оширилади.

Қимматли қоғозларни чиқарувчи эмитент, шунингдек у билан келишиб туриб қимматли қоғозларни дастлабки эгаларига сотувчи инвестиция муассасалари ҳар бир харидорга мазкур қоғозларни харид этиш пайтига қадар сотиш шартлари ва эмиссия рисоласи билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлашлари шарт. Эмиссия рисоласи эмитент тўғрисидаги, сотишга ҳавола этилаётган қимматли қоғозлар ҳақидаги, қимматли қоғозларни чиқариш таомили ва тартиби тўғрисидаги маълумотларни ҳамда

харидорнинг мазкур қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки бундай хариддан воз кечишга қарор қилишига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа хил ахборотларни акс эттиради.

Давлат корхоналари очик турдаги акциядорлик жамиятларига айлантирилганда эмиссия рисоласини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб -қувватлаш давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси билан биргаликда амалга оширилади.

Эмиссия рисоласини чиқариш , уни рўйхатга олиш тартибини , шунингдек эмиссия рисоласида эълон қилиниши шарт бўлган маълумотлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси белгилайди. Банклар учун уларнинг эмиссия рисолаларида қамраб олинмиши лозим бўлган маълумотлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб туриб белгилайди.

Очик ёзилиш учун ҳавола этилаётган қимматли қоғозларнинг эмиссия рисоласини эмитент Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссиясига тақдим этади ва у рўйхатга олингандан сўнг , мазкур қимматли қоғозларга ёзилиш бошланишидан камида ўн кун олдин матбуотда , шунингдек фонд биржасининг махсус нашрида албатта эълон қилиниши керак. Очик сотувга ҳавола этилаётган акцияларни корхоналарнинг облигацияларини чиқаришга оид ахборотларда бирон -бир ўзгаришлар юзага келган ҳолларда қимматли қоғозларни чиқарувчи эмитент содир бўлган ўзгаришлар тўғрисидаги хабарни мазкур қимматли қоғозларга ёзилиш бошлангунига қадар эълон қилмоғи керак.

Акциялар , корхоналарнинг облигацияларини чиқаришга оид эълон қилинган ахборотдаги маълумотлар нотўғрилиги аниқланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссиясига бу қимматли қоғозларни чиқарувчи

эмитент мазкур ахборотга тегишли ўзгартишлар киритмагунига қадар уларнинг тарқатилишини тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга. Эмиссияни рўйхатга олиш учун тақдим этиладиган эмиссия рисоласидаги маълумотларнинг тўғрилиги юзасидан жавобгарлик эмитентнинг зиммасида бўлади.

Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги эмиссия рисоалари рўйхатга олинмагунига қадар қимматли қоғозларни оммавий ахборот воситаларида реклама қилиш тақиқланади.

Эмитент ўзининг молия-хўжалик аҳволи ва фаолиятининг натижалари тўғрисида жамоатчиликка ҳар йили камида бир марта ахборот бериши (матнда бундан кейин йиллик ҳисобот деб юритилади) шарт. Йилнинг ҳисобот ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечикмай эълон қилинади ҳамда эгаси ёзилган акциядорларга ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссиясига юборилади. Йиллик ҳисоботда эмитент тўғрисида қуйидаги маълумотлар келтирилиши лозим:

- унинг олдинги йилги хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги ахборот;
- молиявий аҳвол тўғрисидаги аудитор тасдиқлаган маълумотлар, шунингдек олдинги йилги баланслар ва аудиторнинг ҳисоботи;
- қўшимча чиқарилган қимматли қоғозлар тўғрисидаги асосий маълумотлар;
- мансабдор шахслар шахсий таркибидаги ўзгартишларга доир асослар.

Эмитент ўз хўжалик фаолиятида содир бўлган ҳамда қимматли қоғозларнинг қийматига ёки улар юзасидан олинadиган даромадлар миқдори таъсир этувчи ўзгаришлар, хусусан:

- қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлар ўзгарганлиги;
- мансабдор шахслар шахсий таркибида ўзгаришлар рўй берганлиги;
- эмитентнинг банкдаги счёtlари хатланганлиги;

- соғломлаштириш (эмитентнинг молиявий ҳолатини соғломлаштиришга қаратилган тадбирлар мажмуини амалга ошириш) ҳаракатлари бошланганлиги;
- эмитент фаолияти қайта ташкил этилганлиги, тўхтатиб қўйилганлиги ёки тугатилганлиги;
- фавқулодда ҳолатлар оқибатида эмитент мол-мулкининг камида 10 фоизи нобуд бўлганлиги;
- эмитент мол-мулкининг 10 фоизидан ортиқ миқдорда эмитентга нисбатан даъво қўзғатилганлиги;

Устав фонди ёки эмитент асосий ва муомаладаги маблағлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ миқдорда қарз олинганлиги ёки қимматли қоғозлар эмиссия қилинганлиги тўғрисидаги ахборотларни икки кун ичида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссиясига юбориши, шунингдек мазкур ўзгаришларга оид ахборотларни эълон қилиши шарт.

Башарти эмитент акциялари фонд биржасида муомалада юрса, у мазкур ахборотларни биржага кўрсатилган муддатда тақдим этиши шарт.

Эмитент ўзи ҳақида қимматли қоғозлар қийматига ёки улар юзасидан олинадиган даромад миқдorigа таъсир этиши мумкин бўлган нотўғри маълумотлар эълон қилинган тақдирда беш иш куни мобайнида бу маълумотларни тузатиш чораларини кўриши шарт.

Эмиссия турлари

Қимматли қоғозларни муомалага чиқариш (эмиссия) қуйидаги кўринишларда амалга оширилиши мумкин:

- оммавий эълон бермай, реклама кампанияси ўтказмай, эмиссия рисоласини эълон қилмай ва рўйхатда ўтказмай олдиндан маълум чекланган миқдордаги инвесторлар орасида хусусий йўсинда тарқатиш;
- эмиссия рисоласини эълон қилиб ва рўйхатдан ўтказиб, чекланмаган миқдордаги инвесторлар орасида очиқ савдо ўтказиш.

Юқорида айтиб ўтилган ҳолларнинг ҳар бирида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси эмиссияларнинг энг кам ва энг кўп миқдорларини белгилаб беради.

Эмиссия рисоласини рўйхатдан ўтказганлик учун олинадиган йиғим

Қимматли қоғозлар эмиссия рисоласини рўйхатдан ўтказиш чоғида эмитент эмиссия номинал қийматининг 0,1 фоизи миқдорида республика бюджетига йиғим тўлайди.

Давлат корхоналари акциядорлар жамиятларига айлантирилганида бирламчи эмиссия рисоласини рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим олинмайди.

Қимматли қоғозларни тарқатиш

Эмитентлар ўзи чиқарган қимматли қоғозларни мустақил равишда, коммиссион ҳақ эвазига банклар, инвестиция компаниялари, молия брокерлари орқали сотиш ҳуқуқига эга.

- Инвестиция компаниялари эмитент билан келишиб туриб қимматли қоғозларни қуйидаги шартлар асосида чиқаришга кафил ва ташкилотчи бўлишлари мумкин:
- кейинчалик бошқа инвесторларга сотиб юбориш мақсадида барча чиқарилган қимматли қоғозларни қайд этилган баҳосида ўз ҳисобларидан сотиб олишлари;

- чиқарилган қимматли қоғозларнинг белгиланган муддат давомида чет инвесторлар ўртасида жойлаштиролмай қолган қисмларини ўз ҳисобларидан сотиб олишлари.

Инвестиция компаниялари ва молия брокерлари тарқатолмай қолган қисмларини сотиб олиш мажбуриятини зиммаларига олмай туриб қимматли қоғозларни эмитент номидан чет инвесторларга сотиш тўғрисида эмитент билан дистрибьютер шартномалари тузишлари мумкин.

Таянч сўз ва иборалар

- | | |
|----------------------------|--------------------------------|
| – Акциялар | – Қимматли қоғозлар муомаласи |
| – Облигациялар | – Қимматли қоғозлар эмиссияси |
| – Хазина мажбуриятлари | – Эмиссия тўғрисидаги ахборот |
| – Депозит сертификатлари | – Эмитент фаолияти |
| – Векселлар | тўғрисидаги ахборот |
| – Қимматли қоғозларнинг | – Эмиссия турлари |
| ҳосилалари | – Эмиссия рисоласини рўйхатдан |
| – Қимматли қоғозлар бўйича | ўтказганлик учун олинадиган |
| даъво муддатлари | ийгим |

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Рендит, яъни Ҷимматли Ҷо`оз даромадлигининг нисбий кўрсаткичи:

- А) дивиденд миқдорининг Ҷимматли Ҷо`озни сотиб олувчи учун маъмул даромадга бўлган нисбатига тенг ($d:h$);
- В) дивиденд миқдорининг битта акциянинг нархига бўлган нисбатига тенг ($d:p$);
- С) Ҷимматли Ҷо`озни сотиб олувчи учун маъмул даромадини дивиденд миқдорига бўлган нисбатига тенг ($h:d$);
- Д) Ҷимматли Ҷо`озни сотиб олувчи учун маъмул даромадни дивиденд миқдорига нисбати ($d:h$);

2. Дивиденд-бу:

- А) бир шахс томонидан иккинчисига ^азиб берилган Ҷарз мажбуриятини ифодаловчи Ҷимматли Ҷо`ознинг бир тури;
- В) акциядан олинган даромад;
- С) эмитентнинг Ҷарздорлиги ва бу Ҷарз учун Ҷоиз тўлаш зарурлиги |афиди гуво|лик берувчи Ҷимматли Ҷо`оз;
- Д) облигациядан олинган даромад;

3. Акциядорлик жамияти дивиденди (акция эгаларига) Ҷайси кўринишда тўлай олишга |афли?

- А) бошқа акциянер жамияти акцияси билан;
- В) ма|сулот билан;
- С) акциянер |исоб сч^атига пул ятказиш билан;
- Д) язининг акцияси ^аки нафдавлат молиявий ресурслари муомаласи пул билан;

4. Ҷайси акцияларга дивиденд тўланади?

- A) акциядор ҳақидаги акцияларга;
- B) муомилага чиқарилган ва жамият балансида ҳайд қилинган барча акцияларга;
- C) акциянерларга таълуғли бўлган, аммо муомилага чиқарилмаган, жамият балансида ҳайд қилинган барча акцияларга;
- D) акциялар жамиятини умумий мажлисидан 1 ой олдин реестрга киритилган акциядорлар учун;

5. Оддий акция шундай акцияки, унга тегадиган дивиденд;

- A) фойдага ҳараб хар-хил бўлади;
- B) олдиндан белгиланган ҳатий Ҷоизларда берилади;
- C) мажбуран тўланади;
- D) фойдага ҳараб бир хил бўлади;

6. Андеррайтер ким?

- A) Ҷимматли Ҷоҳозларни эмиссия қилувчи шахс ёки компания;
- B) Ҷимматли Ҷоҳозларни олди-сотдиси билан шуғулланувчи шахс ёки компания;
- C) Ҷимматли Ҷоҳозларни бозорда жойлаштиришга қафолат берувчи шахс ёки компания;
- D) Фонд бозорида облигацияларни сотувини амалга оширувчи шахс ёки компания;

7. Ҷимматли Ҷоҳозлар бозорида брокерлик ва диллерлик фаолиятини амалга оширадиган кишилар нима дейилади?

- А) инвестиция институти;
- В) индивидуал инвесторлар;
- С) инвестиция институти ва инвестиция воситачиси;
- В) индивидуал инвесторлар ва инвестиция воситачиси.

ТЕСТ ЖАВОБЛАРИ

1. В

2. В

3. D

4. А

5. А

6. С

7. В

Асосий адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган УП-918 –ХII сонли «қимматли қозғалар в фонд биржаси тугрисида» ги қонуни. Т; «Адолат» 2002

2. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган УП-223-I сонли «Ақциядорлик жамиятлари ва ақциядорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тугрисида» ги қонуни. Т; «Адолат». 2002

3. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тугрисида» ги қонуни. Т; «Адолат» 2002

4. Бутиқов И. Л. «қимматли қозғалар бозори» Т; «Қонсаудитинформ» 2001

5. Галанов В. А. Басов А. И. Руноқ қеннуҳ бумаг» М; «Финансу и статистика», 2004

6. Энджел. Л. Бойд. Б. Қак поқупать ақции. М; «Республика» 1992

Интернетдан олинган сайтлар.

1. “www.thebanker.com”

2. “www.uzland.uz”

3. www.uzce.com Тошқент республика фонд биржаси сайти.

4. www.phoenix.ic.ru Феникс нашриёти сайти.

5. www.prospekt.ru Проспект нашриёти сайти.